

XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2737,7 минг.кишини ташкил қилди ва йил бошидан 38193 кишига ёки 1,4 фоизга кўпайди. Шундан, 1767,9 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 969,8 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қиласди.

Вилоятнинг худудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 365,4 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4032,0 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 848,5 киши ва Тўракўргон туманида 1 кв.км.га ўртача 799,2 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 73,1 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 164,2 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 274,1 киши тўғри келмоқда.

Наманган вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ

Вилоят бўйича:	2737,7	1767,9	969,8
<i>шаҳар:</i>			
Наманган	608,7	608,7	-
<i>туманлар:</i>			
Мингбулоқ	122,4	42,4	80,0
Косонсой	202,7	122,7	80,0
Наманган	173,6	51,4	122,2
Норин	159,5	73,3	86,2
Поп	214,0	122,7	91,3

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		шахар	қишлоқ
Тўрақўрғон	219,4	125,2	94,2
Уйчи	206,5	100,6	105,9
Учқўрғон	167,4	71,8	95,6
Чорток	193,5	129,0	64,5
Чуст	258,4	174,0	84,4
Янгиқўрғон	211,6	146,0	65,6


**Аҳолининг табиий ҳаракати
(январь-сентябрь ойларида)**

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2017й.	2018й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017й.	2018й. ¹⁾
Тұғилғанлар	45065	47691	2626	22,6	23,5
Үлғанлар	9497	8793	-704	4,8	4,3
Табиий ўсиш	35568	38898	3330	17,8	19,2
Никоҳлар	15527	15370	-157	7,8	7,6
Ажралишлар	1827	1825	-2	0,9	0,9

¹⁾достлабки маълумот

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2018 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)




Туғилиш даражаси. 2018 йил январь-сентябрда туғилганлар сони 47691 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (45065 киши) нисбатан 2626 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 23,5 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (22,6 промилле) нисбатан 0,9 промиллека ўсиш бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Янгиқўрғон (19,8 дан 22,4 промиллека) ва Чортотқ (20,7 дан 21,9 промиллека) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йил январь-сентябрда ўлганлар сони 8793 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (9497 киши) нисбатан 704 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,3 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрида – 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Мингбулоқ (4,3 дан 3,6 промиллека), Поп (4,8 дан 4,2 промиллека), Учқўрғон (5,2 дан 4,6 промиллека), Чуст (4,5 дан 4,0 промиллека) туманларида ва Наманган (5,4 дан 4,8 промиллека) шаҳрида кузатилди. Ўлганлар умумий сонидан 58,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 5,3 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,7 фоизи - баҳтсиз ҳодиса заҳарланиш ва жароҳатлардан, ўсимталардан 9,0 фоизи вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрда бир ёшга тўлмаган 562 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 31,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 38,6 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан ва 17,6 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этганлар ҳисобига тўғри келган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йил январь-сентябрда ФХДЁ органларида 15370 та никоҳлар ва 1825 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,6 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 7,8 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

**2018 йилнинг январь–сентябрь ойларида тузилган никоҳлар
ва никоҳдан ажралишлар сони**

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.

Вилоят бўйича:	15527	15370	1827	1825
-----------------------	--------------	--------------	-------------	-------------

шахарлар:

Наманганд	3828	3825	450	381
-----------	------	------	-----	-----

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.

туманлар:

Мингбулоқ	615	662	68	62
Косонсой	1053	1043	134	156
Наманган	923	920	126	106
Норин	931	884	116	143
Поп	1277	1194	138	185
Тўракўрғон	1350	1504	132	132
Уйчи	1192	1245	126	135
Учқўрғон	940	934	131	135
Чорток	855	765	97	127
Чуст	1459	1418	175	164
Янгиқўрғон	1104	976	134	99

Миграция. Дастраси маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3573 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4278 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 705 кишига (2017 йилнинг шу даврида - манфий 964 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 1011), Тўракўрғон (манфий 94), Норин (манфий 35), Поп (манфий 22) туманларида кузатилди.